

## ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ МОДЕЛИ

**Дехканова Нилуфар Сагдуллаевна**  
Тошкент давлат аграр университети “Агробизнес ва инвестицион  
фаолият кафедраси” катта ўқитувчиси  
E-mail: [dexkanova17@mail.ru](mailto:dexkanova17@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада Республикамиз озиқ-овқат саноати корхоналарини самарали ривожлантириш жараёнларини прогнозлаштириш масалалари ёритилган. Озиқ-овқат саноатида ялпи маҳсулот қийматининг иш ҳақи фондига, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизациясига боғлиқлиги модели ишлаб чиқилган. Энг кичик квадратлар усули ёрдамида вақтли қаторларни текислаш орқали ўрганилаётган ҳолатнинг ўсишига эришиш тартиби шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати корхоналарида иш ҳақи фонди, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизациясининг 2014-2020 йиллардаги динамикаси ўрганилган ва 2021-2027 йилларга прогноз қийматлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** озиқ-овқат саноати, ялпи маҳсулот, ҳудудий маҳсулот, прогнозлаштириш модели, қиймат, иш ҳақи, асосий воситалар, номоддий активлар, амортизация.

**Аннотация:** Сегодня для эффективного развития пищевой промышленности в Узбекистане важна выработка эффективных экономических и управленческих решений и обеспечение их реализации. В статье разработана модель взаимосвязи между стоимостью валовой продукции и износом основных средств и нематериальных активов. Порядок возрастания исследуемого случая показан путем выравнивания временных рядов с использованием метода наименьших квадратов. Определена динамика фонда оплаты труда, амортизация основных средств и нематериальных активов в пищевой промышленности Республики Узбекистан в 2014-2020 годах и прогнозные значения на 2021-2027 годы.

**Ключевые слова:** пищевая промышленность, валовой продукт, региональный продукт, модель прогнозирования, стоимость, заработная плата, основные средства, нематериальные активы, амортизация.

**Abstract:** Today, for the effective development of the food industry in Uzbekistan, it is important to develop effective economic and managerial decisions and ensure their implementation. The article developed a model of the relationship between the cost of gross production and the depreciation of fixed assets and intangible assets. The ascending order of the case under study is shown by flattening the time series using the least squares method. The dynamics of the wage fund, depreciation of fixed assets and intangible assets in the food industry of the Republic of Uzbekistan in 2014-2020 and forecast values for 2021-2027 have been determined.

**Key words:** food industry, gross product, regional product, forecasting model, cost, wages, fixed assets, intangible assets, depreciation.

### Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини яхшилаш учун самарали иқтисодий ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва уларни ижросини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Замонавий бошқарув тизими эса иқтисодий жараён ва ҳодисаларнинг келгусидаги ҳолати ҳамда кўламини аниқлашда ишончли усул ва воситалардан фойдаланишни тақозо этади. Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг эконометрик таҳлили иқтисодий-математик усуллар воситасида мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг боғлиқлик кучини тадқиқ этиш, уларнинг қонуниятларини аниқлаш ва тажриба орқали кузатиш имконини беради.

Ушбу усулларни қўллаш жараёнини тезлаштирадиган ва таҳлилнинг аҳамиятли моделини танлаб олиш имконини берувчи кўп сонли дастурий маҳсулотлар яратилган.

Глобал иқлим ўзгариши ва пандемия шароитида иқтисодиёт тармоқларининг юқори суръатларда ривожланишини таъминлашда истиқболдаги ривожланиш мақсади ва вазифаларини аниқлаш зарур. Иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда, уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлашда прогнозлаш усулларида фойдаланиш самаралироқ ҳисобланади. Чунки прогнозлаш иқтисодиётни тартибга солиш жараёнининг яна бир босқичи ёки мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишнинг бир қисмидир.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Биз, Ўзбекистонда ва Тошкент вилоятида озиқ-овқат саноатини самарали ривожлантириш ва иқтисодий жараёнларни баҳолаш ва прогнозлаштириш моделини ишлаб чиқиш мақсадида Ё.Абдуллаев [1], М.В.Грачева, Е.А.Туманова [2], Д.Расулев [3], А.Ишназаров [4], Е.Г.Семёнова [5], С.А.Бородич [6] каби олимларнинг илмий асарларини ўрганиб чиқдик. Улар эконометрик таҳлил, яъни корреляцион-регрессион таҳлил асосида прогнозлаштириш усуллари ишлаб чиқиб, уларни такомиллаштириш бўйича ишларни амалга оширганлар.

Статистика назариясининг назарий ва услубий асослари, статистик кузатиш материалларини сводкаш ва гуруҳлаш, вариация кўрсаткичлари ва дисперсион таҳлил асослари, ижтимоий ҳодисалар ўртасидаги боғланишни статистик ўрганиш, иқтисодий индекслар ва бошқа масалалар “Статистика назарияси” дарслигида ёритилган [1].

“Математические и инструментальные методы в современных экономических исследованиях” номли монографияда иқтисодий ва математик усуллар ва воситалардан фойдаланишга асосланган иқтисодий жараёнлар ва тизимларни таҳлил қилиш соҳасида замонавий тадқиқотлар ва назарий-услубий қоидаларни ишлаб чиқиш, иқтисодий тадқиқотларнинг математик аппаратини текширади, қарорларнинг самарадорлигини ошириш учун уни қўллаш ва воситаларни жойлаштиришни таклиф қилади [2].

“Эконометрика асослари” ўқув қўлланмасида эконометрик моделлаштириш асослари, эконометрик моделларнинг ахборот таъминоти, жуфт ва кўп омилли эконометрик таҳлил, эконометрик моделларни баҳолаш, вақтли қарорлар, тенгламалар тизими қўринишидаги эконометрик модел, амалий эконометрик моделлар, иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш мазмун-моҳияти ёритиб берилган [3].

Ушбу ўқув қўлланмада эконометрика тушунчалари, математик статистика усуллари асослари, кўп ўзгарувчи регрессия модели ва унда пайдо бўладиган мультиколлениарлик, автокорреляция муаммолари уларни бартараф қилиш йўллари ҳамда прогноз моделларини тузиш, уларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш усуллари мисолар билан ёритилган [4].

“Эконометрик таҳлили асослари” китобида фазовий маълумотлар ва вақтли қаторлар асосида эконометрик моделлар қуришга қаратилган. Қисқача методологик қоидалар, жумладан, асосий тушунчалар, таърифлар, формулалар берилган. Типик масалаларни ечишга мисоллар кўриб чиқилган.

Процедуралар, математик аппарат ва эконометрик таҳлил масалаларини моделлаштиришнинг дастурий воситалари келтирилган [5].

Ушбу ўқув қўлланмада эконометрика асослари, иқтисодий жараёнлар ва статистик маълумотларга асосланган кўрсаткичларни таҳлил қилишнинг асосий моделлари ва усуллари келтирилган [6].

#### **Тадқиқот методологияси**

Ялпи маҳсулот қийматининг иш ҳақи фонди, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизациясига боғлиқлиги модели ишлаб чиқилган. Энг кичик квадратлар усули ёрдамида вақтли қаторларни текислаш орқали ўрганилаётган ҳолатнинг ўсиши тартиби акс эттирилган.

Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини самарадорлигини аниқлаш, ресурслар сарфининг ялпи маҳсулотга таъсирини аниқлаш учун 2000-2019 йиллардаги маълумотлардан фойдаланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш учун уларнинг фаолиятини тўлиқ акс эттирувчи маълумотлардан фойдаланиб, иқтисодий кўрсаткичларни олдиндан режалаштириш ва прогнозлаш учун олимлар томонидан бир қанча усуллар ишлаб чиқилган. Амалиётда кенгроқ қўлланиладиган усуллардан бири бу - энг кичик квадратлар усулидир. Бу усулнинг моҳияти шундаки, кузатилаётган ва ҳисобланаётган катталиклар ўртасидаги квадрат четланишлар йиғиндисини камайтиришдан иборат [4, 54 бет]. Ҳақиқий ва ҳисобланган қийматлар ўртасидаги фарқ қанчалик кичик бўлса, регрессия тенгламаси асосида ҳисобланган прогноз шунчалик аниқ бўлади. Ўрганилаётган ҳолат моҳиятининг назарий таҳлили, ўзгариши вақтли қаторларда акс этиб, эгри чизиқни танлаш учун асос бўлади. Айрим ҳолларда қаторлар даражасидаги ўсиш эътиборга олинади. Агар маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ўсиш арифметик прогрессияда кузатилса, унда текислаш тўғри чизиқ бўйича бўлади. Агар ўсиш геометрик прогрессияда бўлса, унда текислаш кўрсаткичли функция ёрдамида амалга оширилади. Энг кичик квадратлар усулининг формуласи қуйидаги кўринишда бўлади:

$$y_t = a_0 + a_1 t \quad (1)$$

бу ерда:  $a_0$ ,  $a_1$  – тенглама параметрлари;

$t$  - вақт белгиси.

$a_1$  параметр регрессия коэффиценти бўлиб ривожланиш йўналишини аниқлайди. Агар  $a_1 > 0$  бўлса, динамика қаторининг ҳадлари бир текисда ўсиб боради, агар  $a_1 < 0$  бўлса улар камайиб боради.


Энг кичик квадратлар усули ёрдамида вақтли қаторларни текислаш орқали ўрганилаётган ҳолатнинг ўсиши тартибини акс эттириш учун хизмат қилади. Трендни аналитик кўринишида, вақтни мустақил ўзгарувчи сифатида, қаторлар даражаси эса бу мустақил ўзгарувчининг функцияси сифатида олинади. Ҳолат ривожланиши вақтнинг қанча ўтганлигига эмас, балки унинг ривожланишига қайси омиллар таъсир қилганлигига, қайси йўналишда жадал ривожланишига боғлиқ. Вақт бўйича ривожланиш шу омилларнинг натижаси сифатида юзага чиқади.

Прогнозни амалга ошириш учун ҳар бир омилни Microsoft Excel ёрдамида тўғри чизиқли тенглама формуласини тузамиз. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси бўйича иш ҳақи фонди прогноз қилинади.

Ҳисоблаш натижаларидан тенглама қуйидаги кўринишга келди:

$$y_t = 264,3 + 200,8t_1$$


Тенглама асосида қаторни давом эттириш мумкин, яъни  $t$  ошиб бораверади. Уни қуйидаги 1-расмда кўришимиз мумкин:



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати корхоналарида иш ҳақи фондининг 2014-2020 йиллардаги динамикаси ва 2021-2027 йилларга прогноз қийматлари, (млн. сўм)<sup>1</sup>**

Худди шу тартибда асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси ҳамда ялпи маҳсулот қиймати ҳам прогноз қилинди ва қуйидаги натижалар олинди (2-расм):

$$y_t = 93,5 + 112,7t_1$$



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати корхоналарида асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси 2014-2020 йиллардаги динамикаси ва 2021-2027 йилларга прогноз қийматлари, (млн. сўм)<sup>2</sup>**

Ўзбекистон Республикаси бўйича ялпи маҳсулот қийматини прогноз қилиш учун иш ҳақи фонди, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси прогноз натижаларидан фойдаланамиз. Бунинг учун ялпи маҳсулот қийматининг ўзгаришига

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

таъсир этувчи омиллар бўйича регрессия тенгламаси, яъни  $y(x) = -17,3x_1 + 76,53x_2 + 7828,6$  олинади. Прогноз натижаси қуйидаги 1-жадвалда келтирилган:

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати корхоналарида асосий иқтисодий кўрсаткичларининг 2014-2020 йиллардаги динамикаси ва 2021-2027 йиллар прогноз қийматлари<sup>3</sup>**

Йиллар	вақт t	Иш ҳақи фонди, млн.сўм	Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, млн.сўм	Ялпи маҳсулот, млрд. сўм
2014	1	361,88	245,10	16888,0
2015	2	705,67	343,14	18154,6
2016	3	890,01	421,37	26782,3
2017	4	1015,94	442,23	28194,7
2018	5	1137,85	535,10	31695,8
2019	6	2210,85	1006,18	43483,6
2020	7	1149,64	817,02	51647,7
2021	8	1870,7	995,1	51620,493
2022	9	2071,5	1107,8	56771,584
2023	10	2272,3	1220,5	61922,675
2024	11	2473,1	1333,2	67073,766
2025	12	2673,9	1445,9	72224,857
2026	13	2874,7	1558,6	77375,948
2027	14	3075,5	1671,3	82527,039

Тошкент вилояти бўйича ялпи маҳсулот қийматини прогноз қилишда ҳам юқоридаги тартибда ҳисоб-китоблар амалга оширилди ва қуйидаги натижалар олинди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Тошкент вилояти озиқ-овқат саноати корхоналарида асосий иқтисодий кўрсаткичларининг 2014-2020 йиллардаги динамикаси ва 2021-2027 йиллар прогноз қийматлари<sup>4</sup>**

Йиллар	вақт t	Иш ҳақи фонди, млн.сўм	Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, млн.сўм	Ялпи маҳсулот, млрд. сўм
2014	1	54,019	81,621	2536,8
2015	2	102,636	93,864	2739,7
2016	3	129,106	115,702	4329,3
2017	4	149,537	121,645	3291,6
2018	5	161,809	151,219	4191,4
2019	6	322,253	281,799	6494,9
2020	7	155,639	222,542	8102,1
2021	8	264,52	271,82	7689,0
2022	9	292,26	301,61	8479,2
2023	10	320,00	331,40	9269,3
2024	11	347,74	361,19	10059,5
2025	12	375,48	390,98	10849,7
2026	13	403,22	420,77	11639,8
2027	14	430,96	450,56	12430,0

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Республикамиз озиқ-овқат саноатида асосий воситаларнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш салоҳиятига баҳо бериш учун, энг аввало, унинг капитал билан таъминланганлик масаласини тадқиқ этишга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Озиқ-овқат саноатида яратилган ялпи маҳсулот ўсиши соҳада ишловчилар сони ва технологик тараққиёт ўсиш суръати йиғиндисидан юқори бўлса, у ҳолда тармоқда инвестициялар ҳажмини ўсишини таъминлаш талаб этилади. Акс ҳолда мавжуд асосий фондлар ва технологик воситалардан фойдаланиш интенсивлигини оширишга эътибор қаратилмоғи лозим.

Озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2019 йилда 70776,6 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2030 йилга келиб 2,5 марта ошиши кутилмоқда. Шунингдек, 2019-2020 йилларда озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳолати ўрганилиб, 2021-2030 йиллар учун прогноз қилинганда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 мартага, вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво ишлаб чиқариш қарийб 1,9 мартага, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 3,0 мартага ошиши прогноз қилинмоқда (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2019-2020 йиллардаги ҳолати ва 2021-2030 йиллар бўйича прогноз кўрсаткичлари (млрд.сўм)<sup>5</sup>

Йиллар	Жами истеъмол маҳсулотлари	Жумладан		
		озиқ-овқат маҳсулотлари	вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво	ноозиқ-овқат маҳсулотлари
2019	7076,6	24738,5	2504,4	43533,7
2020	78406,2	26328,4	2691,3	49386,5
<i>Прогноз кўрсаткичлари</i>				
2021	86413,4	27918,4	2882,6	55612,4
2022	94797,8	29508,3	3078,2	62211,3
2023	103559,7	31098,3	3278,1	69183,3
2024	112698,8	32688,2	3482,3	76528,3
2025	122215,5	34278,2	3690,9	84246,4
2026	132109,5	35868,1	3903,9	92337,5
2027	142380,9	37458,1	4121,2	100801,6
2028	153029,6	39048,0	4342,8	109638,8
2029	164055,8	40638,0	4568,8	118849,0
2030	175459,3	42227,9	4799,1	128432,3

2019-2030 йиллардаги истиқбол кўрсаткичлари бўйича республикамиз саноати корхоналари томонидан озиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикасига эътиборимизни қаратсак, нон ва нон маҳсулотлари 1,49 мартага (148%), ун 1,81 мартага (180,8%), ёрма 1,3 мартага (130,0%), макарон маҳсулотлари 1,61 мартага (160,6%), гўшт ва гўшт маҳсулотлари 1,32 мартага (131,8%), товар, озиқ-овқат, балиқ маҳсулотлари, консерваларни қўшган ҳолда 1,45 мартага (145,1%), сут ва сут маҳсулотлари 1,76 мартага (175,7%), ўсимлик ёғи 1,03 мартага (103,0%) ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиши кутилмоқда (4-жадвал).

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

4-жадвал

Ўзбекистон саноати корхоналарида озиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини 2019-2020 йиллардаги ишлаб чиқариш динамикаси ва 2021-2030 йиллар бўйича прогноз кўрсаткичлари<sup>6</sup>

Йиллар	Нон ва нон маҳсулотлари, минг.т	Ун, минг т	Ёрма, минг.т	Макарон маҳсулотлари, минг.т	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари, минг.т	Товар, баллиқ маҳсулотлари, консерваларни қўшган ҳолда, тонна	Сут ва сут маҳсулотлари, минг т	Ўсимлик ёғи, минг т
2019	1673,4	2558,6	43,3	127,1	289,6	8,2	561,2	228,7
2020	1887,7	2699,1	44,3	129,6	292,5	8,3	570,6	229,3
<i>Прогноз кўрсаткичлари</i>								
2021	1986,9	2849,1	45,4	130,4	301,4	8,6	602,7	230,0
2022	2081,1	3008,5	46,5	137,0	310,4	8,9	636,6	230,6
2023	2168,8	3177,5	47,6	144,0	319,3	9,3	672,4	231,2
2024	2248,8	3355,9	48,8	151,4	328,2	9,6	710,2	231,8
2025	2319,7	3543,9	50,0	159,1	337,1	10,0	750,2	232,5
2026	2380,1	3741,4	51,2	167,2	346,1	10,3	792,4	233,1
2027	2428,6	3948,4	52,4	175,8	355,0	10,7	837,0	233,7
2028	2463,9	4164,8	53,7	184,7	363,9	11,1	884,1	234,3
2029	24844,6	4390,8	55,0	194,2	372,8	11,5	933,8	235,0
2030	2489,4	4626,3	56,3	204,1	381,7	11,9	986,3	235,6

Шунингдек, саноат корхоналарида истиқбол йилларида озиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши кузатилмоқда, жумладан мол ёғи 1,64 мартага (164 %), мева-сабзавот консервалари 1,12 мартага (112 %), маргарин маҳсулотлари 1,30 мартага (129,6 %), қанд-шакар 1,52 мартага (151,7 %), табиий чой 1,68 мартага (168,3 %), ош тузи 1,10 мартага (110,2 %), ароқ, ликер-ароқ маҳсулотлари 1,66 мартага (166,3 %) ўсиш тенденциясига эга бўлади (5-жадвал).

5-жадвал

Республика саноат корхоналарида 2019-2020 йилларда айрим озиқ-овқат истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси ва 2021-2030 йилларга прогноз кўрсаткичлари<sup>7</sup>

Йиллар	Мол ёғи, т	Мева-сабзавот консервалари, мшб	Маргарин маҳсулотлари, минг.т	Қанд шакар, минг.т	Табиий чой, минг.т	Ош тузи, тонна	Ароқ, ликер ароқ маҳсулотлари, минг т
2019	13720,8	527,1	34,1	561,6	33706,1	69,4	19218,7
2020	14519,2	530,1	34,4	588,0	35621,0	69,5	20239,8
<i>Прогноз кўрсаткичлари</i>							
2021	15317,7	536,1	35,4	614,4	37571,4	70,3	21288,5
2022	16116,1	542,2	36,3	640,9	39557,1	71,1	22364,8
2023	16914,5	548,1	37,3	667,3	41578,3	71,8	23468,7

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

2024	17713,0	554,1	38,3	693,7	43634,9	72,5	24600,2
2025	18511,4	560,6	39,3	720,1	45727,0	73,2	25759,4
2026	19309,9	566,1	40,3	746,5	47854,4	73,9	26946,2
2027	20108,3	572,3	41,3	773,0	50017,3	74,6	28160,6
2028	20906,7	578,1	42,2	799,4	52215,6	75,2	29402,6
2029	21705,2	584,9	43,2	825,8	54449,4	75,9	30672,2
2030	22503,6	590,1	44,2	852,2	56718,6	76,5	31969,4

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб айтганда, Республикамиз озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини самарали ривожлантириш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан белгиланган меъёрлар даражасида таъминлаш учун юқорида келтирилган истиқбол қийматларига эришиш талаб этилади.

Бунинг учун эса, ҳар бир озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш корхоналарида иш ҳақи фонди, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси ҳамда ялпи маҳсулот ҳажми юқоридаги модел асосида сўнгги уч йиллик маълумотлари таҳлил қилиниши ва кейинги беш йилга истиқбол кўрсаткичлари аниқланиши керак. Шунингдек, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам юқорида келтирилган ҳисоблаш орқали аниқланиши ва бажарилиши назоратга олиниши муҳим ҳисобланади. Бу эса, озиқ-овқат саноатига инновацион технологияларни, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишни талаб қилади. Илғор инновацион технологиялар ва инвестициялар жалб этилиши, ўз навбатида ҳудудий ялпи маҳсулотнинг ошишига ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдуллаев Ё. Статистика назарияси. – Т.: Фан, 2002. – 592 б.
2. Грачева М.В., Туманова Е.А. Математические и инструментальные методы в современных экономических исследованиях: Монография. – М.: Экономический факультет МГУ имени М.В. Ломоносова, 2018. – 232 с.
3. Расулев Д. ва бошқалар. Эконометрика асослари: ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2019. – 256 б.
4. Ишназаров А., Нуруллаева Ш., Мўминова М., Рўзметова Н. Эконометрика асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2018. – 158 б.
5. Семёнова Е.Г., Смирнова М.С. Основы эконометрического анализа: учеб. пособие / Е.Г.Семенова, М.С.Смирнова; ГУАП. – СПб., 2006. – 72 с.
6. Бородич С.А. Вводный курс эконометрики: Учебное пособие – Мн.: БГУ, 2000. – 354 с.
7. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)